

# Термиз туман ҳокимлигига фуқаролар қабули бўлиб ўтди



Бугун Термиз тумани ҳокимлигига навбатдаги фуқаролари қабули ўтказилди. Унда ўн икки нафар фуқароларнинг моддий ёрдам олиш, уй-жой масаласи, ичимлик суви, электр энергия ва газ таъминоти ва бошқа масалалардаги мурожаатлари масъуллар иштирокида тингланди.

Туман мутасаддилари иштирокида кўриб чиқилган аксарият мурожаатлар шу ернинг ўзида ижобий ҳал этиб берилган бўлса, ижроси муддат ва қўшимча ўрганиш талаб қиласиган мурожаатлар тегишлилиги бўйича масъулларга йўналтирилиб, ижроси назоратга олинди.